

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 11 декабрь пайшанба. Сотувда эркин нархда. № 250 (1767)

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИНИНГ САФАРИ

10 декабрь кунги Ўзбекистон Парламенти Раиси Э. Халилов раҳбарлигидаги Олий Мажлис делегацияси Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация Кенгашининг таклифига биноан Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Икки кунлик сафар чоғида Федерал мажлиснинг Федерация Кенгашида ҳамда Давлат Думасида икки давлат ўртасидаги парламент алоқаларини янада кенгайтириш йўллари тўғрисида суҳбатлар бўлиб ўтди.

Тошкент аэропортида делегацияни Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари Б. Бугров ва А. Қосимов, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси А. Пацев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

МИЛЛАТЛАРНИ
СОАТ

ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ

ҚУТЛУФ КАДАМ

БИР УЙНИНГ УЧ МЕҲМОНИ

Гулистонлик Уроловлар оиласи уч киши эди. Бир кунда уйлари тўлади-қолди, яъни отаи эсонга қўлади, — деб хабар берди ўз мухбиримиз Аликул Хонимкулов. Оила йили арафасидаги бу қувончли хушxabар ҳаммаёققа тарқалди.

Уч қизалоқ — Фотима, Зухра, Захраларнинг отаси Бахтиёрбек ва онаси Нигорахонларнинг қучоғи гуларга тўлиб кетди. Шифокору ҳамширалар ҳар уч кунда уч меҳмонни назорат қилиб туришибди.

МУНОСАБАТ ВАТАН ОБОДЛИГИ



Халқимизда «Кўш уювда кўрганини қилади» деган нақл бор. Ўқуд бир киши ҳақда гап кетганда доно кексаларимиз дарров «у қимнинг боласи эми?» деб сўрайди.

Фалончиники дейилса «унинг отаси ҳам зўр одам эди» дейишди. Ёмон одамлар, ёмонлик ҳақида гап кетганда содда қилиб «унинг ўзи наслида бор», деб қўяқолишди. Бу гапларнинг турган битгани ҳикмат, қолаверса ота-она — оиланинг жамиятдаги ўрнига нисбатан халқнинг халқона баҳоси ва ишорасидир.

Шу боисдан ҳам 1998 йил Оила йили деб эълон қилинди. Бу ўз навбатида оиланинг жамиятга таъсирини нечоғлик катта эканлигини анг-лаш, уни давлат аҳамиятига молик масала сифатида таъ-киллашдир.

Шарқда чинданона оилага муқаддас тушунча сифатида қаралади. «Уткан кунлар»да Отабекнинг падиари бузрук-вори Юсуфбек ҳожининг: «Бу хонадондан ҳеч ким но-ризо бўлиб кетмаган» дейи-шида ҳам катта ҳақиқат бор. Биз бугун ана шундай му-қаддас тушунчанинг қадри-

ни янада баян қўлармоққа, унга давлат даражасида қара-моқ ва эътибор бермоққа қарор қилдик. Яна биз бугун уни қўруқ сўз, дабдабали шир-орлар билан амалга ошириб бўлмаганини ҳам яхши би-ламиз. Шу боис Президен-тимиз 5 декабрь кунги 1998 йили Оила йили деб эълон қилар экан, орадан санокчи кун ўтмай уни амалга оши-риш чора-тадбирлари хусуси-даги фармойишга ҳам имзо чекди.

Фармойишда оилани бар-камол қиладиган, уни тўла-тўқис ривожлантиришда қанот бўладиган тўртта асо-сий омилга эътибор қаратил-ган.

Оиланинг барқарор бўли-ши учун биринчидан, унинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш керак. Бу оила даромадларини ошириш, турмуш шароитини яхшила-ш ҳамда ижтимоий муҳофа-за қилиш каби бир қатор тад-бирларни ўз ичига олади.

Иккинчидан, оиланинг баркамол бўлиши учун унинг ижтимоий манфаатларини қондирмоқ зарур. Токи, ҳар бир оила аъзоси билим ва малакасини ошириш, соғли-гини мустаҳкамлаш шаро-итига эга бўлади. Учинчи омил эса оиладаги муноса-батларнинг ҳуқуқий асосла-

ҲОКИМЛИКЛАРДА КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАР КЕЧИКМАСИН

Қишлоқ ҳўжалигида экиндан бўшаган майдонларни ўғитлаш, шудгорлаш каби кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказиш мўҳим аҳамиятга эга. Зеро, шудгина келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратилади. Наманган вилоятида бу борада қандай ишлар амалга оши-риладигани билан яқиндан танишиш мақсадида бу ерга республиканинг бир қанча вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳамда масўул ходимлари гуруҳи ташриф бу-юрди.

Агросоноат мажмуи ходимларининг вилоят ҳоқими Т. Жабборов раислигида ўтган кенгаши текшириш яку-нларини муҳокама қилишга бағишланди. Унда бу борада вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилгани, шу бил-лан бирга айрим туманларда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани таъкидланди. Жумладан, Қосонсой, Мингбулоқ, Поп ва Учқўрғон туманларида кузги-қиш-ки тадбирлар асосиз кечиктириш юборилганлиги кўрса-тиб ўтилди. Техника яхши тайёрланмагани, эҳтиёт қис-мларнинг етишмаслиги оқибатида кузги-қишки шудгор-лаш сўрвати пасайиб бормоқда. Кенгашда мана шу каби камчиликлар ҳақида атрофлича фикр юритилиб, улар-ни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Кенгашда Бош вазир ўринбосари, Республика қиш-лоқ ва сув ҳўжалиги вазири А. Муҳиддинов нўтқ сўзла-ди.

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бугун — ЮНИСЕФ ташкил толган кун

КЕЛАЖАК УЧУН ҒАМХўРЛИК

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европа жамоатчилиги алоҳида эътибор қаратган янгича сиёсий-иқтисодий, ижтимоий тамойилларнинг мўҳим бўла-дигани бири болалар ҳимояси бўлди. 1946 йил Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан узок давом этган уруш натижасида кўпгина қийинчиликларга дўшар келган Европа болаларига ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Халқаро Болалар Жамғармаси — ЮНИСЕФ ташкил этилди. Айни вақтда мазкур халқаро ташкилот БМТ Болалар жамғармаси деб юритилса-да, ЮНИ-СЕФ атмаси сақланиб қолади.

1953 йилда мазкур ташки-лот БМТнинг доимий тузил-маларидан бири сифатида иш бошлади ва шунга яраша фа-олият қўлами ҳамда масўули-ят доираси ҳам кенгайди. Шу даврдан эътиборан у нафақат Европа, балки бошқа минтақа болалари учун ҳам ҳимоячига айлана борди. Ташкилот раҳ-барлари ривожланиётган мам-лакатларда болалар ҳаётини яхшилаш, уларнинг таълим олишига шароит яратиш, она-лар ва болалар саломатлиги учун қайғуришга алоҳида эъти-бор қаратди. Ташкилот тузил-ган дастлабки йилларда асо-сий эътибор жамиятнинг қи-чқинтой вақтларининг ҳимоя қилиш бўйича тежор амаллар-га қаратилган бўлса, 50-йил-ларга келиб узоқ муздати ре-жалар асосида иш юритила бошлади.

ЮНИСЕФ барча мамлакат-ларда ҳукумат ташкилотлари ва давлатга қарашли бўлмаган муассасалар билан яқин ҳам-корликда ишлайди. Бу ташки-лот дастурларини имкон қадар тежор ва қўлайроқ амалга ошириш учун айни музда.

Аҳолининг турмуш тарзи бир қадар пастроқ бўлган, яъни ривожланиётган мамлакатлар-да ЮНИСЕФнинг фаолияти биринчи ўринда ижтимоий ерданга қаратилган. Касал ва ногирон болалар учун турли-туман дори-дармонлар етказиб бериш, қолаверса болаларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ўқиб-ўрганишига қўмақлашиш, шунингдек она-лар ҳамда гулдакларни ераба-авайлаш каби вазифалар шу-лар жумласидандир. Ҳўш, рив-ожланган мамлакатларда-чи? Ривожланган мамлакатларда ЮНИСЕФ тартибот-таши-қот, тарбия ишларига кўпроқ эътибор қаратади. Бу эса ма-зкур давлатлардаги алоҳида ишлар ва ташкилотлар то-монидан бошқа ўлкалардаги ерданга муҳтож болалар учун бериладиган моддий қўмақ ми-қдорини кўпайтиришга хизмат қилади.

Ривожланган мамлакатлар-да амалга ошириладиган тад-бирларда мазкур давлатларда-ги ЮНИСЕФ бўйича Миллий қўмиталар етакчи ўрин тут-тади. Айни вақтда уларнинг со-ни 38 та бўлиб, ушбу қўмиталар

келажакимиз бўлган болалар-нинг баркамол вояга етиши-га ҳар томонлама эътибор бе-риладигани қувончи. Муста-қил давлатимизнинг Прези-дент Ислом Каримов Фар-монига биноан тасвир этил-ган илк ордени «Соғлом ав-лод учун» деб атайгани ҳам бежиз эмас. Бундай кезларда болажон юртимизда болалар-ни ижтимоий ҳимоя қилиш қўлами тобора кенгайиб бо-раётгани ёлга тушади. Бу йил мактабга илк бор қадам қўйган жамик кичкинтой-лар ўқув қўроллари билан, камхарж оилаларнинг мин-глаб фарзандлари эса қийим-кечак билан текин таъмин-ланаятгани шулар жумласи-дандир.

Ўзбекистон билан Бир-лашган Миллатлар Ташкило-ти ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар доирасида ЮНИ-СЕФ билан ҳамкорлик ҳам самарали бўлмоқда. Хуусан, Республика Солиқни сақлаш вазири билан биргаликда оналар ва болалар саломат-лигини яхшилаш ва муҳофа-за қилиш борасида бир қан-ча дастурлар амалга ошири-ладир. Жумладан, ЮНИ-СЕФ томонидан Ўзбекистон-га болалар учун керакли бўлган вакциналар етказиб бериш бўйича 1995 — 2000 йилларга мўлжалланган лойиҳа ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, ушбу тиббий дар-монлар учун сарфланадиган 8 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ Ўзбеки-стон ҳукумати, ЮНИСЕФ ҳамда Япония ҳукумати то-монидан қўпланди. Ҳозир-гача Ўзбекистонга умумий қиймати икки миллион дол-лардан зиёд бўлган шундай вакциналар келтирилган.

Шунингдек, мамлакатимизда Республика солиқни сақлаш вазири, Жаҳон Солиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИ-СЕФ, донор мамлакатлар ҳамкорлигида амалга оши-рилган МЕКАКАР дастури бўйича ҳам яхши натижалар-га эришилди.

1994 — 1996 йилларда Ўзбекистонга 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорда по-люмометел вакциналари етказ-иб берилди. Шунингдек, Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича ЮНИСЕФ томонидан махсус дастур иш-лаб чиқилган. Унинг асосида умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган «Орол деҳиза: минтақавий ва экологик ёрдам Лойиҳаси» амалга талдиқ этиладир. Ҳозирча, лойиҳа бўйича 800 миң доллар миқдоридagi дори-дармон, зарур тиббий асбоб-ускуналар мазкур ми-н-тақадга келтирилди.

1994 — 1996 йилларда Ўзбекистонга 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорда по-люмометел вакциналари етказ-иб берилди. Шунингдек, Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича ЮНИСЕФ томонидан махсус дастур иш-лаб чиқилган. Унинг асосида умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган «Орол деҳиза: минтақавий ва экологик ёрдам Лойиҳаси» амалга талдиқ этиладир. Ҳозирча, лойиҳа бўйича 800 миң доллар миқдоридagi дори-дармон, зарур тиббий асбоб-ускуналар мазкур ми-н-тақадга келтирилди.

Фарҳод АРЗИЕВ, ўзА шарҳловчиси.

ИККИ ДАВЛАТ АЛОҚАЛАРИ

ги кун, бетакор маданияти, халқларимиз ўртасидаги кўп асерлик алоқалар тўғрисида фикр алмашилар. Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Мамдуҳ Шавқий Мустафо Комиян анжуман якунида сўзга чиқиб, бундай тад-

бирлар маданияти ва адабиё-ти азалдан муштарак бўлган икки халқ ўртасидаги дўсто-на муносабатларни янада мустаҳкамлашга мўҳим ҳисса қўйишини таъкидлади.

М. ШАРИФОВА, ўзА мухбири.

МИЛЛИЙ ДАСТУР АМАЛДА

Тошкент шаҳар халқ таъ-лими бош бошқармасининг таълим тизимидаги исло-ҳотларни амалга ошириш, «Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур»ни ҳаётга таъбиқ этиш чора-тадбир-ларини ишлаб чиқиш ма-

саладарига бағишланган йи-гилиши бўлиб ўтди. Ингиллизча сўзга чиққан-лар пойтахт мактаблари фа-олиятини ислоҳот талаб-лари асосида ташкил қилиш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш каби масалалар

«ХАЛҚ СўЗИ»МИ?

ТўЙТЕПАМИ, ТОЙТЕПА?!

— Зухра Каримовадан. Бир нарсасага ҳайронман.

— Нима гап экан?

— Тўйтепага қўп бораман. Ҳар гап ўша ёққа қат-новчи автобусларга чиқайтиб «Тойтепа» деган ёзув-га қўлим тушади ва... Иккилаб ҳам қоламан. Балки Тўйтепа... Аммо ҳали шу пайтгача ҳеч кимдан Той-тепа деб эшитмаганим учун бу қайсидагидир чаласавод-нинг «иши» бўлса керак деб ўйладим. Икки-уч йил-ки, шу ёзув ҳеч ўзгармапти. Наҳот, битта ҳарфни тўғрилаш шунча қийин бўлса?

АСТАФУРУЛЛОХ

Буйрагини сотарми...

«Труд»да ёзишди. Россиянинг Краснодар ўлкаси-лик Нина С. деган аёл ўзининг энг сўнги умидини ошкор қилиб шундай сўзларни биттибди: «Икки болам билан қаерда ва нимага яшашни билмайман. Тўғри-си, уларнинг яхши яшаши учун ўзимнинг буйрагим ва орқа миямин сотмоқчиман. Балки шу билан қи-мингдир ҳаётини асраб қоламан».

Эҳ, худонинг ўзи асрасин-да, бундай кўрсуликлар-дан дейишдан ўза чорамиз йўқ.

ҚОЙИЛ!

ОЛТИАРИҚДА ТАНЛОВ ўТДИ

— Лекин бу турп ё бодринглар танлов эмас, балки экологик маданият ва халқисизлик масала-ларига бағишланди. Чунки Олтиариқ Фарғона водий-сида оғир саноат кириб келган икк манзиллардан бири ҳисобланади, — деб ёзди мухбиримиз Н. Со-бир. — Шунингдек, кейинги йилларда туманда яна ўнлаб қорхоналар қурилади.

Танловнинг қизик томони, Отақуллов номидagi жамоа ҳўжалиги маданият саройида ўтган бу баҳсда фақат қизлар қатнашишиди. Хўжалик ҳисобчиси Дил-бархон Сулаймонова беш қатнашчи орасида ўзининг билимдонлиги, дўнеқарашли келлиги ҳамда бузуғи кунга янгича тафаккур назари билан ёндошганлиги боис ғолиб деб топилди.

БОЖХОНА БЕКАТИДА

ШАКАРФУРУШ ўТОЛМАДИ

Тошкент вилоятининг «Бўстон» божхона маска-ни ходимлари хўшўрлик қилишди. Давлат белгалари «73-48 ЧМС» ва «Х-943 ВЛМ» бўлган иккита Ка-маз — 53-20 русумли машиналар тўхтаганда Қозғоғистон фуқароси К. Аевзов доддираб қолади. Кейин маълум бўлишича, машиналарга ортилган 30 тонна шакар ҳеч қандай қоғоз-ҳужжатсиз олиб кетиладиган экан. «Мазкур иш юзасидан суриштирув бошлаб юборилди», деб хабар берди республика Давлат Бож-хона қўмитаси матбуот бўлими ходимлари.

БИЛДИРИШ

ДАРВОҚЕ...

Азиз юртдошлар! Бу дўненинг гаалати ва ажапто-вур воқеалари, қувончли воқеа-ҳодисотларини куза-тиб, исталган мавзуда тахриратимизнинг қуйидаги теле-фон рақамларига мурожаат қилиб, ўзарингизни суюнтийриган, ўйга тодирган, қолаверса, қийнайтаган саволлар билан бизларга дардқаш бўласиз деган умид-диз:

133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85.

Соат миллиларини Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ Сўзи

якка газетaxonлар учун 229
ташкилотлар учун 230

Обуна нархи:

	1 оғта	3 оғта	6 оғта	Йиллик
П/қ	манзил	П/қ	манзил	П/қ; манзил
- якка шахелар учун	168	504	636	1008 1272
- ташкилотлар учун	266	798	1254	1596 2508 3192 5016

Ф МТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат - Акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета

Халқ сўзи

Обуна соми

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Кўчра	(Почта индекс)										
Кўчра	(Манзилгоҳ)										
Кўчра	(Фамилия, исми ва отасининг исми)										

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАКАСИ

К.к. Ж.к.

Халқ сўзи

Обуна соми	Вариси	Оғи	Обуна соми
Вариси	Вариси	Оғи	Оғи

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Кўчра	(Почта индекс)										
Кўчра	(Манзилгоҳ)										
Кўчра	(Фамилия, исми ва отасининг исми)										

Фарҳод АРЗИЕВ, ўзА шарҳловчиси.

Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессияси олдида

МИЛЛИЙ РУҲ УФУРИБ ТУРСИН

Хар йил янги йил арафасида мамлакат парламентининг навбатдаги сессиясини ўтказиш одат тусига кириб қолди. Шу боисдан бўлса керак, йилнинг сўнги ойдаги муҳим воқеаларга фикрлар уларнинг муносабатларини янада фаолроқ билдиришга одатлаиб қолишган. Олий Мажлис сессиясининг кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан мулоҳазалар, хар хил муносабатлар билдириладиган хат-

лар, таклифлар маҳаллий ҳокимият органлари оммавий ахборот воситаларига хар галдагидан кўпроқ келадигани ҳам фикримизнинг исботидир. Фарғоналиклар сессия кун тартибига иккинчи ўқишда киритилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасига, айниқса, кўпроқ муносабат билдиришпти. «Халқ сўзи» мухбири шу муҳим ҳужжат ҳақида айрим кесбдошлар билан «Давра суҳбати» уюштирди.

Собиржон ДАДАХҲАЕВ, Фарғона туман «Шоли меҳнат» газетаси муррабири:

— Юртимизда энг эзгу ният ва яхши тиллақларга «оқ» сўзи қўшиб ишлатилади. Газеталар ҳам оппоқ қоғозга чоп этилади. Бу эса пок-залик белгиси. Йилдан йилга буй-бастини кўрсатиб бораётган матбуотимизни ҳам муболағасиз жамиятнинг виждони, деб аташ мумкин. Шу боис уни «Туртинчи ҳокимият» ҳам деб аташади.

Гапни мухтасар қилиб, янги қонун лойиҳасида газетачилар, матбучилар, шу кесб билан боғлиқ ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишига, бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини ўнглаб олишга кўпроқ эътибор берилишини истардим. Мумкин бўлган ҳолда, лекин газетачиларнинг топаетган асосий маблағи қоғоз ва босмахона харажатларига сарф бўладигани сир эмас. Босмахона харажатлари ойма-ой ошиб борапти. Агар қоғоз нархи (бир тонна) шу йил бошида 40-60 минг сўм турган бўлса, йил охирига келиб 126-135 минг сўмга чиқиб кетди. Обуна эса уттан йилнинг охирида уюштирилган. Обуна баҳосини йилнинг хар чогаида, ақалли иккинчи ярмида «кўтариб олиш» ёки устама ҳақ қўйишга имкониятимиз йўқ. Бунга обуначилар олдидаги масъулиятимиз ҳам йўл қўймайди.

Мамлакатимиз аҳолисининг олтими беш фоизи қишлоқда яшайди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш эса қишлоқ ҳўжалигида кескин ўзгаришлар содир этишни тақозо этади. Бу йўналишда қатор нуфузли фармонлар, қарорлар қабул қилинганни ҳам бежиз эмас.

Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси кун тартибига «Қишлоқ ҳўжалигини ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунларнинг лойиҳалари тўғрисида»ги масаланинг киритилиши шу соҳа мутахассиси сифатида мени чеқсиз қувонтирди. Мен шу ўрин-да, айниқса, мазкур қонунлар мажмуига киритилиши «Ўзбекистон Республикасининг Ер қоллекси тўғрисида»ги масалани алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Албатта, оммавий ахборот воситаларига бундай муносабат ўз-ўзидан шакллангани йўқ. Ҳамдўстлик мамлакатларининг бирортасида оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ қонунлар бизнинг мамлакатимиздаги қабул қилинганлигини эслаш олмайма. «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунлар мукаммаллигини, жаҳон андозларига мослигини кўришнинг назарига тушибди ва эътироф этилди.

Матлумки, янги қонун лойиҳасининг 18-моддаси оммавий ахборот воситаларида ҳомийлар ишти-

роқига бағишланган. Сарф-харажатлар сакраб турган бир пайтда ҳомийлар ва айниқса, муассаслар ўз ҳимоясига олма, жуда қийналиб қола-миш. Шунинг учун ҳам мазкур модда қўйиб матбуот нагрларини ҳомийлар ижтимоий ҳимояга олиш тўғрисидаги жумла билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Муҳаммаджон ЭРКАБОВЕВ, «Фарғона ҳақиқати» вилоят газетаси бўлим муррабири:

— Мен юртовшимизнинг «Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ҳодимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган», деган гапларини тез-тез такрорлаб турганини ҳўс кўраман. Ҳақиқатан ҳам матбуот ҳеч бир замон мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик, ошкорулик касб этмаган. Матбуотнинг руҳияти кишилик руҳиятидан анча бандан бўлганлиги боис унга бўлган эҳтиёж

қон сайин орғиб борапти. Олий Мажлис навбатдаги сессия-сига «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилганини бу муҳим тизимнинг жамиятдаги роли ва аҳамияти нақадар катта эканлигини яққол кўрсатиб турирди. Қонун лойиҳасидаги «Омма-вий ахборот воситаларининг тили», «Тажриятчи ҳодими», «Тажриятчи син-гари» моддалар жуда тушунарли. Лекин мен шу ўринда лойиҳанинг «Тажриятчи ҳодимнинг текшируви», деб аталадиган 7-моддасига бироз аниқ-лик киритилишини истар эдим. Бу модда журналистинг қандай шароитда текшириш ўтказиши мумкин-лиги баён этилган. Бирок журналист-ни ким ҳимоя қилади, деган фикр-унутиб қолдирилганга ўхшайди. Қо-нун лойиҳасига журналист хавфсиз-лиги алоҳида модда, ҳеч бўлмаса бир банд қилиб киритилса, мақсадга му-вофиқ бўлар эди.

Қонун лойиҳасининг 25-моддаси-да «Радио бериш ва жаоб қайта-

ЕРНИНГ БОЙЛИГИ, ЭЛНИНГ БОЙЛИГИ

ди улар. — Сен ерни боқсанг ер сени боқади. Она замин нопокликни кеңирмайди». Бу эзу ақидаларнинг биронтаси бузилса, ерга муносабат ўзгаради, табиий мувозанат бузилади...

Биргина мисол: Жиззах вилоят-ида қатор йиллардан бери асосий тармок — пахтачилик ва галлацилик режалари бажарилмапти. Очиқ айтиш мумкин, бунинг асосий ва туб сабабларидан бири катта бой-лигимиз бўлган ернинг талон-та-роқ қилинганлиги эди. Иккинчи-

си эса ундан нотўғри фойдаланиш оқибатида ер ости ва устки суғори-ниш тармокларининг яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги.

Кейинги бир йил ичида ерлар деҳқон-фермерларга, ижарачиларга берилди. Бу ўз самарасини беряпти. Аммо дренаж тармоклари, зо-вурлар, очик сув йўллари уларга тақсимлаб бериб бўлмайдику? Ер эгалари улардан фажат амалдаги қонунлар асосида шартнома шарт-ларига риоя қилган ҳолда фойда-ланишлари мумкин.

БИТТАДАН ЁЗИЛСА ОЛТИ МИНГ БЎЛАДИ

Обуна муддатлари тугаб бораётганлига қарамай, Жиззах вилотида марказий ва маҳаллий матбуот нашр-ларига ёзилиш республикада энг охириги ўринларда бор-моқда. Вилоят ҳокимининг обуна ҳақидаги қарори 9 ок-тябрьда чиққан ва ўша захоти туман ва шаҳар ҳокимлик-ларига етказилган. Орандан бир ой ўтгандан кейин, яъни ўн биринчи ноябрь кўни текши-риб кўрилганда Мирзачўл ту-манида биттадан нашрга обу-на қилинмагани, Жиззах, Ар-насой, Галлароқ, Зомин ту-манларида ҳам бу иш қони-қарсиз аҳволда эканлиги аниқланди.

Ўтказиб беринглар» деб талаб қилди, туман ҳокимининг ҳисоб рақамига пул тушиди, икки-уч кунда ҳал қилиб бе-рамыз, — деди у киши.

Наҳотки, икки ойда ҳал бўлмаган иш икки кунда амалга ошса? Бу ваъдага ҳам ишониб қийин. Вилоятдаги қайси бир ҳоким ёки таши-лот, ҳўжалик раҳбари билан учрашманг, «пахтадан кеча-гина қўл бўшади, Худо хоҳ-ласа обуна билан энди жи-лдий шуғулланамиз» дейиша-ди.

Одамлар онгда ўзгариш ясамастан, кишиларнинг маънавий дунёсини бойит-масдан, умуминсоний кадр-иятларни йўлга қўймасдан ту-риб, ҳўқуқий демократик дав-лат барпо қилиш ҳақида ўйлаб бўладими? Бу тамойил-ларни, фазилатларни халққа ким етказайди? Оммавий ах-борот воситалари! Шундай экан вилоятдаги хар бир ра-ҳбар биттадан «Халқ сўзи»га ёзилган ҳам умумий рақам олти мингдан ошиб кетаркан.

«Ўзбекистон почтаси»нинг вилоят бўлиминдан олинган маълумотга кўра, 4 декабр-га 984 та «Халқ сўзи», 134 дона «Народное слово» газе-таларига обуна бўлинган. Жиззах туманида эса 4 де-кабрга қадар «Халқ сўзи»га бор-йўги 26 та, «Народное слово»га эса биттама обуна йўқ. Туман ҳокими Парда Шухуровдан бунинг сабаби-

ни сўрадик.

— Ҳўжалиқларимизнинг ҳисоб рақамига пул тушиди, икки-уч кунда ҳал қилиб бе-рамыз, — деди у киши.

Одамлар онгда ўзгариш ясамастан, кишиларнинг маънавий дунёсини бойит-масдан, умуминсоний кадр-иятларни йўлга қўймасдан ту-риб, ҳўқуқий демократик дав-лат барпо қилиш ҳақида ўйлаб бўладими? Бу тамойил-ларни, фазилатларни халққа ким етказайди? Оммавий ах-борот воситалари! Шундай экан вилоятдаги хар бир ра-ҳбар биттадан «Халқ сўзи»га ёзилган ҳам умумий рақам олти мингдан ошиб кетаркан.



Маҳсулот тури кўнайиб, фаолият доираси кеңейиб бораётган ишлаб чиқариш корхоналари бу-суғиб кунда ўз қаддини тиклаш билан бир қатор-да бозор иқтисодиётининг хар қандай синовла-рига бардош берадилар.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементада касса машинасининг мухри босилган бўли-ши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштири-ганимизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпли босилиши керак.

• Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтка-зилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берила-ди.

Газета ва журналга обуна бўлганимизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштириганимизда қарточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоида-ларга риоя қилиб тўлдириш.

ЕРНИНГ БОЙЛИГИ, ЭЛНИНГ БОЙЛИГИ

ди улар. — Сен ерни боқсанг ер сени боқади. Она замин нопокликни кеңирмайди». Бу эзу ақидаларнинг биронтаси бузилса, ерга муносабат ўзгаради, табиий мувозанат бузилади...

Биргина мисол: Жиззах вилоят-ида қатор йиллардан бери асосий тармок — пахтачилик ва галлацилик режалари бажарилмапти. Очиқ айтиш мумкин, бунинг асосий ва туб сабабларидан бири катта бой-лигимиз бўлган ернинг талон-та-роқ қилинганлиги эди. Иккинчи-

си эса ундан нотўғри фойдаланиш оқибатида ер ости ва устки суғори-ниш тармокларининг яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги.

Кейинги бир йил ичида ерлар деҳқон-фермерларга, ижарачиларга берилди. Бу ўз самарасини беряпти. Аммо дренаж тармоклари, зо-вурлар, очик сув йўллари уларга тақсимлаб бериб бўлмайдику? Ер эгалари улардан фажат амалдаги қонунлар асосида шартнома шарт-ларига риоя қилган ҳолда фойда-ланишлари мумкин.

БИТТАДАН ЁЗИЛСА ОЛТИ МИНГ БЎЛАДИ

Обуна муддатлари тугаб бораётганлига қарамай, Жиззах вилотида марказий ва маҳаллий матбуот нашр-ларига ёзилиш республикада энг охириги ўринларда бор-моқда. Вилоят ҳокимининг обуна ҳақидаги қарори 9 ок-тябрьда чиққан ва ўша захоти туман ва шаҳар ҳокимлик-ларига етказилган. Орандан бир ой ўтгандан кейин, яъни ўн биринчи ноябрь кўни текши-риб кўрилганда Мирзачўл ту-манида биттадан нашрга обу-на қилинмагани, Жиззах, Ар-насой, Галлароқ, Зомин ту-манларида ҳам бу иш қони-қарсиз аҳволда эканлиги аниқланди.

Ўтказиб беринглар» деб талаб қилди, туман ҳокимининг ҳисоб рақамига пул тушиди, икки-уч кунда ҳал қилиб бе-рамыз, — деди у киши.

Наҳотки, икки ойда ҳал бўлмаган иш икки кунда амалга ошса? Бу ваъдага ҳам ишониб қийин. Вилоятдаги қайси бир ҳоким ёки таши-лот, ҳўжалик раҳбари билан учрашманг, «пахтадан кеча-гина қўл бўшади, Худо хоҳ-ласа обуна билан энди жи-лдий шуғулланамиз» дейиша-ди.

Одамлар онгда ўзгариш ясамастан, кишиларнинг маънавий дунёсини бойит-масдан, умуминсоний кадр-иятларни йўлга қўймасдан ту-риб, ҳўқуқий демократик дав-лат барпо қилиш ҳақида ўйлаб бўладими? Бу тамойил-ларни, фазилатларни халққа ким етказайди? Оммавий ах-борот воситалари! Шундай экан вилоятдаги хар бир ра-ҳбар биттадан «Халқ сўзи»га ёзилган ҳам умумий рақам олти мингдан ошиб кетаркан.

«Ўзбекистон почтаси»нинг вилоят бўлиминдан олинган маълумотга кўра, 4 декабр-га 984 та «Халқ сўзи», 134 дона «Народное слово» газе-таларига обуна бўлинган. Жиззах туманида эса 4 де-кабрга қадар «Халқ сўзи»га бор-йўги 26 та, «Народное слово»га эса биттама обуна йўқ. Туман ҳокими Парда Шухуровдан бунинг сабаби-

ни сўрадик.

— Ҳўжалиқларимизнинг ҳисоб рақамига пул тушиди, икки-уч кунда ҳал қилиб бе-рамыз, — деди у киши.

Одамлар онгда ўзгариш ясамастан, кишиларнинг маънавий дунёсини бойит-масдан, умуминсоний кадр-иятларни йўлга қўймасдан ту-риб, ҳўқуқий демократик дав-лат барпо қилиш ҳақида ўйлаб бўладими? Бу тамойил-ларни, фазилатларни халққа ким етказайди? Оммавий ах-борот воситалари! Шундай экан вилоятдаги хар бир ра-ҳбар биттадан «Халқ сўзи»га ёзилган ҳам умумий рақам олти мингдан ошиб кетаркан.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементада касса машинасининг мухри босилган бўли-ши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштири-ганимизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпли босилиши керак.

• Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтка-зилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берила-ди.

Газета ва журналга обуна бўлганимизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштириганимизда қарточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоида-ларга риоя қилиб тўлдириш.

риш ҳўқуқи» баён этилган. Шу моддани ҳам бир оз кеңайтириш фойдали бўлар эди. Агар модда охирига «халис танқидий мақола, фельетонларни чиқармасликка уриниш, муаллифга таъйиқ ўтказиш, ҳақоратлаш, ўч олишга ури-нувчилар қонунда белгиланган тар-тибда жаобгар бўладилар» деб ёзиб қўйилса, кўпчилик ижодкор-ларнинг дилидаги гап бўлар эди.

Назокат ТОҶИБОВЕВА, Тош-лоқ туман «Тошлоқ тоғи» газе-таси ходимаси:

— Газетага кўплаб муштарий-лар, фуқаролар, турли мавзуларда мақолалар олиб келишади. Айрим камчиликларни, ҳаётимизда учраб турган нуқсонларни руй-рост баён қилишади. Газетчон ёки жамоатчи мухбирнинг мақоласи профес-сионал ҳодимнинг мақоласидан тубдан фарқ қилади. Кўпчилик му-аллифлар билан келишилган ҳол-да уларнинг хатлари қайта иш-ланади ёки матни қисқартирилади. Шу туфайли ҳам жамоатчи мухбир билан тажриятчи ўрта-сида баъзи бир келишмовчилик-лар руй бериб турирди.

Шундай келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида қонун лойиҳасини «Муаллиф материал-лари ва хатлардан фойдаланиш», деб номланган моддасининг ик-кинчи банди: «Тажриятчи кел-ган хатларни эълон қилишга тай-ёроқда қоида мазмунини бузмаган ҳолда, муаллифини хабардор қилиб, уларнинг матнини қисқартриш ва тажриятчи эълонга йўл қўйлади», тар-зида берилишини таклиф қилар-дим.

Сўхбатдош: Набижон СОБИР.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

ОҚИБАТЛИ ЭЛ ЎСАДИ

Тўрт фарзданинг онасиман. Турмуш ўртоғим аф-фон урушидан олган жароҳати туфайли 1991 йил ва-фот этган. Бир қатор яхши инсонлар, қўни-қўшни-лар кўмаги орқали оиламиз тўзғиб кетмади. Шаҳри-миздаги «Афгон жангчилари» кеңашига ҳамда талбир-кор Незъматжон Нуриддинов моддий ёрдам бериб ке-лади. Шу улуг кўнларда уларга миннатдорчилик бил-дираман.

Д. ИСАХҲАЕВА, Марғилон шаҳри.

ТИЛ БИЛГАНГА НИМА ЕТСИН

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети қошидаги лицейда фарзандларимизга немис, япон тиллари чу-қур ўргатилади. Бугун юқори синф ўқувчилари Япо-ния ҳамда Америка давлатидан келган мутахассислар билан бевосита мулоқот қилоладилар.

А. ГИЁСОВА, Ўқитувчи.

ЭПАСАНГ ЭЛАҚДА СУВ ТУРАДИ

Бир пайтлар Россиянинг Тюмен шаҳрига эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи Ширин машинасозлик заво-ди эндиликда «Ўзбекметалл» ҳисдорлик жамияти бу-юртмасини қабул қилаяпти. Ишлаб чиқаришнинг ўсиш даражаси ўтган йилга нисбатан 148,9 фоизга кўтарил-ди.

Қ. АБДУҚУНДУЗОВ, Сирдарё вилоти.

ҲОКИМ БИТТА ГАПИРАДИ

Қўшработ тумани вилоят марказидан 100 чақирим оли-сида. Бу ерга табиий газ қувурларини олиб келиш аҳоли учун озу эди, ҳолос. Утган йили катта йиғинда туман ҳокими Мансур ҚҲШБОВЕВ: «Бир йил ичида Қўшработта газ келади», — деб юборди.

Гап битта бўлади — бир йилга етмасданқ қўшра-ботликлар хонадонига «зангори олов» кириб келди.

М. ЗИЁДОВ, Самарқанд вилоти.

ХАР ҚАДАМДА ЯХШИ ГАП

Шаҳримиздаги 85-автотас «Алишер Навоий номли театр майдони» ҳамда «Қорақамиш даҳаси» йўналиши буйича қатнайд. Ҳайловчи Абдуқадир Мавлонов ҳар бир бекатином номма-ном айтиб боради. Айниқса, у кишининг бекатларга олоб-ахлоқ, кишилар ўртаси-да меҳр-оқибат борасида, Ҳадису шарифдан айтган қиёматли гаплари йўловчилар қалбига жизиллаб тега-ди. Ҳар ким ўз манзилига яхши кайфият билан етиб боради. Бу ҳол шунчалик таъсирчан ва мароқлики, сўз билан ифодаланиши анча мушкул. Қанийди, барча жамоат транспортларида шундай ҳайдовчилар кўпай-са?..

Саидмурод САИДАҲМАД, Ташкент шаҳри.

ҲАҚ СЎЗ МИНБАРИ

Бу йил сирдарёлик шифокорлар 500 нусха «Халқ сўзи»га йиллик обуна бўладилар. Ушбу нашрнинг ҳақ сўз минбари бўлганлигига кўп бора ишонч ҳосил қил-ганмиз.

Т. БҶУНОВ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

ТУРТКИНИНГ ҲАМ ЯХШИСИ БЎЛАРКАН...

Янги ҳокимимиз биринчи иш ҳафтасидаёқ кўрим-сиз бинодаги мўъжазига хонамга кириб келди. Жа-моамизни йиғиб «дардимизни» эшитди.

— Иқтисодий ислохотлар борасида мунтазам чи-қишлар қилиш зарур. Юзга айтганининг захри йўқ. Ютуқ ва камчиликларимизни далиллик билан матбу-отга олиб чиқиш керак. Албатта, компьютер билан таъминлаймиз. Автоуловларини икки-уч кун ичи-да таъмирдан чиқарамиз. Обуна кўпаяди, — деди ишонч билан.

Раҳбарнинг бир «туртки»си билан ҳозиргача обуна-миз икки мингдан ошди. Ваҳоланки, утган йили шу пайт минг дона эди бу кўрсаткич. Ваъда қилинган компьютерни ҳам олдиқ. Автоуловимиз таъмирдан чиқ-ди. Энди фақат газетани ўқимизга ва сифатли қилиб чиқариш учун жиддий изланишлар керак. Ҳокимининг бир оғиз гапи вазиятни яхши томонга буриб юборди.

Усмон ОЧИЛОВ, Жиззах вилоти, «Баҳмал ҳаёти» газетаси мухарири.

Хатларни Кўчқор НОРҚОБИЛ сараларди.

• ТУРИЗМ

САФАР ҚИЛМОҚ ЯХШИ-Ю...

Яқин вақтларгача республикаимизда туризмнинг тақдир, ривожланиши, фойда-зарори ҳақидаги маълумотлар ошкор этил-мас эди. Мустақиллик шарофати билан ўлка-мизда туризм ҳам тетапова қадамлар билан қад ростлади. Улардан бири — «Бекобод-сайёҳ» ташкилотиди бугунги кунда тўрт киши меҳнат қилаяпти.


Унинг раҳбари Эмма Кормушева билан бўлган суҳбатда кўпгина қийинчи-ликларга қарамай, 1997 йилнинг утган ойлари мо-байнида 3,5 минг кишилик тури сиёҳатлар уюштири-лганлиги маълум бўлди. Ўзбекистоннинг диққатга сазавор масканлари, қўшни республикаларга 111 марта сиёҳатлар ташкил этилди. Шаҳардаги корхона ва за-водларнинг ишчилари асо-сан Тошкент ва Самар-қандга сиёҳат қилиш, тур-ли хилдаги томошаларга жамоа бўлиб бориш иста-гини билдирадilar.

— Лекин шаҳар автобус, такси саройининг автобус-лари жуда қимбат, — деди сайёҳлик ташкилоти раи-си. — Битта «Икарус» ау-тбуси учун 23 — 24 минг сўмдан тўлаяпмиз. Бунга

«ПГС» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

САНОАТ ЭЛЕКТРОПЛИТАЛАРИ

Шундай бўлса-да, Эмма Кормушева бошлиқ бу жа-моа узлари олиб бораёт-ган ишларидан хурсанд. Сабаби — Тошкент шаҳ-ридаги тури томошалар-га, концертларга оммавий буюртмалар бераётган жа-моалар кўпаймоқда. Бу — эркин нафас олаётган халқимизнинг ишидан, рўзгоридан, кўнгли тиңч эканлигини, турмушидан мамнун эканлигини бил-диради.



Темур ХАЙДАРОВ. Тел.: (3712) 79-14-29, 79-38-54. «С. Раҳимов» метро бекати.

ФИКР

Хар бир инсон моддий ва маънавий неъматларни ўз эҳтиёжга яраша истеъмол қилгиси келади. Эҳтиёж эса доим юксалиб бораверади. Айтайлик, одамнинг ана шундай талаблари тўла муҳайё қилинса, шу захоти бошқаси пайдо бўлади. У ҳам ўрин-латилса, ана бошқаси юзага келади ва охири-оқибатида маънавий эҳтиёжга навбат етгади.

Хўш, маънавий эҳтиёжлар ҳам бир зумда қондирилса-чи? Унда ҳаётнинг қизиқи қолмай-дики?
Аслида, шундай бўлишини ҳеч ким хоҳламаса ҳам керак. Зотан, моддий ва маънавий неъматларни курашиб, машаққат билан қўлга киритиш ҳаётнинг лаззатларидан биридир. Олимларнинг жониворлар устида ўтказган айрим тажрибалари ҳам бу муҳтарам ҳушасо-мизни тасдиқлайди.

Эҳтиёж ва истеъмолнинг ўсиб бориши табиий жараён-дир. Шу боис уларни доимо қоралайвериш ҳам ярамайди. Улар кишилик жамиятини тарққийетга элтади. Бироқ инки-роғга дучор қиладиган ҳам шу-лар — эҳтиёж ва истеъмолдир. Одамлар ўсиб бораётган эҳти-ёжларини ўзларини ҳар тараф-га уриб, ўзгаларнинг, ҳатто та-биатнинг зиёнига бўлса-да қон-диришга мойилдирлар. Ваҳо-ланки, бу тарика табиатга зу-ғум ўтказиш охири-оқибатда инкироғга олиб келади. Лекин шуни ҳам унутмаслик керак-ки, кишилик тарихининг буюк ақл эгалари ҳамisha моддий ва маънавий инкироғларнинг олдини олиш чораларини из-лаганлар.

Қадимдан донишмандлари-миз эҳтиёж ва уни келтириб чиқарадиган сабабларни, исте-мол ва унинг оқибатларини умумлаштириб, биргина «нафс» тушунича билан ифо-далашган ҳамда одамнинг бо-шига тушадиган барча яхши-лигу ёмонликнинг сабабчиси шу нафс, дея уқтиришган. Хар бир киши ўз ҳаётини таҳлил қилиб, бу фикр нақадар тўғри-лигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Худди шу аснода жа-мийнинг бутунги ҳаёти, иқти-содиёти мушоҳада этилса, бар-ча муаммоларни келтириб чи-қараётган нарсаси ҳам балойи-нафс эканига шубҳа қолмай-

ди. Иқтисодиётдаги «истеъмолни меъёрлаш» деб аталган ва жа-мийят бўйича режалаштириш мақсадлари учунгина қўллана-диган йўналишини ҳисобга ол-маганда, дунёвий илмлардан биронтаси нафс муаммоси бил-ан шуғулланмайди. Бу мавзу

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАСАВВУФ

инсонпарварликка зид, деб қаралади. Ким қанча истеъмол қилса, ўзининг иши, бунга би-ровнинг аралашшига ҳаққи йўқ, деб ҳисобланади. Турри, исте-мол ҳалдан ошиб кетса ёки исте-мельму боуми ва воситасига ноқонунийлик, ноинсофлик, қорала-нади. Шу билан дунёвий илм-ларнинг нафс билан иши ту-гайди, у ёғига нафсни унутган мафкура бошланиб кетади. Бу ҳам етмагандек, бозор иқтисо-диёти нафсининг жиловини бут-кул қўйиб юборди: «Пулнинг етса, самолёт ол! Ракета олмай-санми! Мағрибда нонушта қилиб, тушликка Машриқда кийик боласини танавул қил. Эҳтиёжини шуни талаб қилиб турса, ким йўлингни тўсади? Фақат қонунларга хилоф иш қилмасанг бўлгани».

Шундай дунёқараш билан кетаверсак, натижаси нима бўлиши аниқ.
Нафс муаммоси билан шу-ғулланадиган бирдан-бир илм — тасаввуфдир. Унинг йўли бу-тунай бошқа! Унинг мақсади инсонни комиллик поғоналари-га элтишидир. Тасаввуф дин-нинг асосий тамойилларига риоя қилишни талаб этган

ҳолда, ишни нафсан бошлади ва уни атрофича, чуқур тақ-қиб этди, бир зумга бўлсин, уни ёлдан чиқармайди, комил-ликнинг юқори поғоналарига етганда ҳам нафс балосидан, уқтусидан эҳтиёт бўлишни уқтиради, инсониятнинг энг катта душмани нафс эканини тушунтиради.

Тасаввуфнинг иқтисодиёт учун аҳамияти нафсларнинг тийиллишидиганига эмас, энг асо-сийси — инсонни комилликка элтишидир. Комил инсонлардан ташкил топган жамийятда жи-ноят бўлмайди, ҳеч ким текин-хурлик, ноҳалолликка қўл ур-майди ва ҳоказо яхши хислат-ларга эга бўлади. Буларнинг бари жамийят ҳаётини энг мақ-бул даражада юритиш имкони-ни беради.

Тасаввуф таълимот сифатида асрлардан-асрларга ривожланиб

танатни вужудга келтириш мумкинлиги» ҳақида ҳам фикр юритилди. Лекин муаллиф ҳамма ёқни «тасаввуфлаштириб» юбориш фикридан йироқ. Жум-ладан, мана бундай ёздаи: «Мут-лақ тарқи дунё ҳаётига зид — у инсонни амалдан, қасбу қордан маҳрум этди. Шу каби дунё-парастлик ҳам кишини илоҳий-ликдан, маънавийдан четлаш-тиради, мол-дунё қўлига айлан-тиради. Оралиқ йўл эса, ҳар жиҳатдан мақбул ва тўғридир».

Бундан, жамийятда тасаввуф ҳам ҳамма нарса каби оптимал даражада бўлиши керак, деган ҳулосага келиш мумкин.

Одамлари комил юрда тар-киб топган жамийят ҳам комил бўлади. Бутун жамийят ҳақида гап юритганда комилликни Ҳаққа етулик даражада тасав-вур қилмасак-да, ҳар ҳолда ҳозиргидан юқориқроқ поғона-

Ўзбекистон!) қисқа мулдатда забт этиш мумкинми? Рес-публикамизни забт этаётган чет эл маҳсулотлари фақатгина ши-рин сувдан иборат эмас-ку. Айни пайтда қайси ўзбек мил-лий таоми биронта хорижий мамлакатда кенг ёйилиб, даро-мад келтирмаяпти? Бизнинг та-биркорлар ўз маҳсулотларига, нари борса, «заказ сомса» каби исми қўйволишала-да, бозор ва кўча-кўйлағи одам гавжум жой-ларни «забт» этишдан нари утишмайди, маданият деган ту-шунчанинг бағри жуذا кенгли-гини ҳаёлларига ҳам келтириш-майди.

Бозор муносабатлари шакл-ланиб бораётган ҳозирги давр-да биз ривожланган мамлакат-лардан иш қуролларини олиб келаямиз, усулларини ўргана-ямиз, ташкилий тизимларини ўзлаштираямиз. Натижалар эса

ташқари ҳар кун қўлга «уч-тўрт танга» тушиб турадиган иш топилса, бас.
Янги техника ва техно-логияларни, иш услублари-ни ўзлаштириб ҳам катта на-тижаларни қўлга киритиш қийин. Шуларга яраша иш-лаб чиқариш муносабатлари, маданияти, инсонийлик бўл-маса, ҳатти-ҳаракатлар чала-чупла самарадан нари ўтмай-ди. Одамларнинг онгини ўзгартириш ҳақида юртбоши-миз деярли ҳар бир чиқиш-ларида қўнучаклик билан га-пиришлари бежиз эмас. Дар-ҳақиқат, одам замонавий ко-стум кийиб, галстук таққани билан маданияти бўлиб қол-маганидек, қорхонани чет эл техникаси ва технологиясига қўмиб ташлаган билан ҳам у илгор бўлиб қолмайди. Бун-дай қорхоналарга ҳам қўллаб-мисоллар кўрсатиш мумкин.

Масалан, компьютерлашти-рилган, роботлаштирилган ташкилотлардан бири бўл-миш пойтахтимиздаги шаҳар ва шаҳарлараро телефон ало-қаси тизимида нохуш манза-рлар шу қадар кўпки, беих-тиёр ёқа ушлайсан, киши.

Комиллик мақсомлари жуذا кўп ва бу йўл узок ҳамда ма-шаққатли. Улар ҳар биримиз-дан сабр-тоқатни, қаноатни, ҳалолликни, меҳнат ва илза-нишни, қисқаси — инсония-тта хос жами неқбилликни талаб этди. Тасаввуф илми бу йўлда ишончли ҳамроҳ бўлиши, шубҳасиз.

Мамлакатимизда қўллаб-олимлр, зиёлилар тасаввуф илми билан шуғулланишяпти. Улар боболаримиздан қол-ган илмни баҳоликдурат тар-тиб қилаяптилар, тасаввуф намоёнларининг асарлари-ни, фаолиятларини ёритиши-ган мақолалар, рисолалар ёза-птилар. Ҳўвж юртлар, му-ассасалардаги маданият ва маърифат марказлари ҳам ёшларни комил инсонлар қилиб вояга етказиш бораси-да тинмай илзанапти. Бун-дай қарасак, тасаввуфни кенг ёйиш учун назарий ва ама-лий шароит етарли. Демак, уни бозор иқтисодиёти бил-ан уйғунлаштирган ҳолда одамлар орасида кенг ёйиш-шу куннинг муҳим масала-сидир.

Қўдрат ДЎСТМУҲАММАД, иқтисод фанлари номзоди, профессор.



Нишон туманидаги «Нишон» давлат наслчилик жамоа хўжалиги республикамиздаги қоракўл қўйларни етиштири-ладиган энг йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда 45 минг бошга яқин қоракўл қўйлари парва-риш қилинмоқда.

Қишлоқ чорвадорлар учун масъулиятли мавсум. Шунинг учун унга пухта тайёргарлик кўрилади. Хўжаликда бу бора-да ишлар кўнгилдагидек. Режадаги 5300 тонна ўрнига 6000 тоннадан ортиқ йиғилган дағал хашакнинг чўғи пасайгани йўқ.

СУРАТЛАРДА: хўжалиқнинг тажрибали чўпони, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Чўли ака Дулаев 42 йилдирки Качай яйловларида қўй боқади; яйловда қўйлар суруви.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ТЕХАСО

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ

ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ

ТАШКИЛОТЛАР, ИДОРЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент Тадқиқот» (ТашГИИТИ) институти Тошкент шаҳри ва алоҳида туманлари бўйича талаб қилинган координатлар системасида лавсан ёки қоғоз асосларда, электрон нақли билан компьютерда интерфейс қулайлигига эга бўлган 1:2000 миқёсдаги манзилли харитасини тайёрлайди ва сотади. Ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бизнинг манзил: 700011, Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 2а. Тел. 41-21-63, 41-03-91, 41-32-62. Факс. 41-03-91.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ
ТИФЛОКС
Бактерияга қарши восита қўйидаги вазиятларда қўлланилади:
• ич терлама;
• септицемия;
• инфекция;
• сийдик-жинсий;
• сувқлар, бўйинлар;
• кўпи нафас йўллари;
• тери, юмшоқ сирт;
• иммунитетни суяйган бемор-ни профилактика қилиш.

«СУВЖИҲОЗГАЗ»
Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси
Тошкентдаги омборидан
3009 НАВВИ, хуштаъм
ХИТОЙ КЎК ЧОЙИНИ
арзон ва улгуржи нархларда сотади.
Тўлов шакли турли хил.
Мурожаат учун манзил:
Ҳамза тумани, «ЭЛБЕК-26»
Тел.: 96-26-21, 96-06-87.

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳайъати ва аппарати жамоаси иссиқлик таъминоти ва энергетика бош бошқарма-си бошлиғи Ҳожимурод Тошпўлатовга ўли
Давлат ТОНШУЛАТОВнинг
бевақт вафот этганини муносабати билан таянч изҳор этакдилар.
«Узулгуржименасабавот» акционерлик компанияси жамоаси Наманган вилоят Узулгуржименасабавот ҳиссадорлик бирлашмаси ходимлари
Ботирали ХОЛИМИРЗАЕВ,
Лутфулло ТОШПЎЛАТОВнинг
бевақт вафот этганилиқ муносабати билан уларнинг оила аъзолари ва қариндoshларига ҳамдардлик билдиради.
Ўзбекистон Бадий академиясини, Камолнашан Беход номлидаги миллий расмлик ва дизайн институти жамоаси, институт ректори Н. Ойдиновага отаси
Асра ота ХАЛИЛОВнинг
вафот этганилиқ муносабати билан таянч изҳор қилади.
Йўлдош Охунбоев номлидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, жамоат ташкилотлари «Милбав материаллари ва босма қоғозлари дизайн» кафедрасининг муаллими, доцент А. Булановага падари бузруквор
ҚИРГИЗБОВ отанини
вафоти муносабати билан таянч изҳор этакдилар.



ЖАНОБ ТЕННИС ЎЗБЕКИСТОНДА!

Теннисни юксак маданиятли кишилар ўйини дейишди. Хаккикатдан ҳам бу гапда жон бор. Эеро ушбу спорт турининг қонун-қондасига эътибор қиларкансиз, унинг бошқа ўйинлардан устуворлиги янада ойдинлашади. Рақиблар бир-бирини ютиш учун қорига чиққан бўлсаларда, ўзаро ҳурмат эътиборни қанда қилишмоқда.

Томошбинлар ўйин давомида жойларидан бир қадам жилмасдан ишқибозлик қилиши лозим. Мусобақани бошқариётган ҳакам ҳисоб-китобни кўпчилик тушунадиган тилда эълон қилиб боради.

Мамлакатимиз алоҳида давлат сифатида дунёга танилиши баробарида бизда ҳам теннис мусобақаларига бўлган қизиқиш орта бошлади. Зудлик билан пойтахтимиздан тортиб чекка вилоятлар ҳудудларида ҳам муҳташам қорлар қурилиши бошлаб юборилди. Айниқса Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро шаҳарларида профессионал теннис талабларига жавоб бера оладиган кўркам майдонлар вужудга келди. Уларда турли даражадаги ўнлаб мусобақалар ўтказилди ва ҳалигача ўтказиб келинмоқда. «Хавас», «Буюк ипак йўли», «Катта шляпа», «Челленжер», «Президент кубоги» мусобақалари шулар жумласидандир. «Хавас» мусобақасида мамлакатимизнинг раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари, «Челленжер»да хотин-қизлар, «Президент кубоги»да эса дунёнинг «маيامан» деган таниқли ракетка усталари катнашмоқда.

Теннис мусобақаларига бўлган қизиқиш халқимизда шунчалик катта эканки, қисқа фурсатларда Огородов, Томашевич, Қуденко, Ганиев, Хонхужаев, Какурин, Тулаганова, Никитина, опа-сингил Лилия ва Луиза Бектикова сингари юлдузлар стилиб чиқди. Айни пайтда ер юзиде 10000 (ўн мингдан) ортиқ профессионал теннисчи бўлса, Огородов рейтинг асосида улар орасида 115-уринни эгаллаб турибди. Томашевич 350, Қуденко 500-уринларда бормоқда. Олдий кўз билан қарасангиз, улар эгаллаб турган жойлардан қониқлаш ҳосил қилмаслигиниз мумкин.

Уринда тарғиботнинг иккинчи бир муҳим томони — ёш теннисчиларни тайёрлаш, уларга профессионаллик сирларини ўргатиш масаласида ҳам бирор ижобий ўзгариш қилинмоқдами? деган саволнинг тугулиши табиий ҳол.

Худди шу масала юзасидан биз мамлакатимизда теннисни ривожлантириш фонднинг директори, республика теннис федерацияси бош қотиби Самуҳ Обидов билан суҳбатлашдик:

— Самуҳ ака, юртимизда профессионал теннисга нисбатан қизиқини жадаллик билан ўсиб бораётган бир пайтда ёш, моҳир, келажатига умид боғалса бўладиган ракетка усталарини тайёрлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳозир пойтахтимиздан тортиб чекка вилоятларгача қорлар қуриш баробарида турли клублар ҳам ташкил этилмоқда. Асосий диққат-эътибор уша клублар фаолиятини юксалтириш, қизиқувчилар сонини янада ортиришга қаратилган.

— Масалан, Тошкентда қандай клублар мавқуд? Уларнинг фаолиятини шахсан сиз мутахассис сифатида қандай баҳолайсиз?

— Пойтахтимизда ҳозирча «Динамо» клуби ёш теннисчи-

ларни тайёрлашда пешқадамлик қилмоқда. У ерда шуғулланувчилар учун ҳамма нарса муҳайе. Ёчинини, ювинини, овқатлашни, дам олиш хоналари мунтазам ишлаб турибди. Ёшларга малакали мутахассислар сабоқ беришмоқда. Шунингдек, «Пахтакор», «Юнусобод» клубларида ҳам жиддий ишлар қилинмоқда. Шуғулланувчиларнинг талаби даражасида шароит яратиш учун изланмоқда.

— Урта мактабларда, техникум ва олий ўқув юрғларида ҳам теннис дарсларини жорий қилсак, эришяётган натижаларимиз янада юқори бўлиши мумкин.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.



Шундай экан, бу борда дастлаб нималар қилиниши керак?

— Туғри таклиф. Бироқ барча ўқув масканларимизда бунинг учун шароит старли эмас. Яъни стадионлар етишмайди. Собқ совет тузуми доирасида қурилган мактабларимизда қорлар учун майдон ажратилмаган. Бундан бўён ҳамма ишни маълум дастур асосида олиб бориш билан сиз айтгандек, теннис сабоқларини ҳам қулиқ дарсларга қўшиб олиб бориш мумкин.

— Шаҳарлардаги шароит тушунарли. Лекин теннисга қизиқувчилар қишлоқларда ҳам кўплаб топилади. Ҳўш, уларга

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ЯПОН ТИЛИНИ ЎРГАНИШАДИ

Япония ҳукумати Жанубий Курил оролларида яшовчи аҳолини бепул япон тилига ўқитиш дастурини бошламоқчи. Бу дастурни амалга ошириш учун 4 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ

Женевада Жанубий Корея ва Шимолий Корея ўртасида тинчлик шартномасини имзолаш учун ўзаро музокаралар бошланди. Музокараларда Америка Қўшма Штатлари ва Хитой Халқ Республикаси вакиллари ҳам иштирок этишмоқда. 1953 йилдаги урушдан сўнг шу пайтга қадар икки давлат ўртасида тинчлик шартномаси имзоланмаган эди.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

АҚШда декабрь пиянста ҳайдовчиларга қарши кураш ойи деб эълон қилинди. Ҳар йили мамлакат йўлларидаги автоҳалокатлар туфайли 40 минг киши ҳаётдан кўз юммоқда. 40 фоиз авариялар пиянста ҳайдовчилар айби билан содир этилаётир. Масалан, Калифорнияда маст ҳолда рулга ўтирган ҳайдовчи ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши билан бирга турли жаримаю, суд мажлислари учун 4 минг доллар пулидан маҳрум бўлади.

ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Борис Немцов расмий таширф билан Мексика пойтахти Мехикога келди. У бу ерда Мексика энергетика вазирини Луис Тельес билан музокаралар олиб бориб, энергетика соҳасида Россия билан ҳамкорлик қилишга даъват қилди. Шунингдек, Б. Немцов Мексикада барпо этилаётган электростанцияларни қуриш ва уларни ускуналар билан таъминлаш таклифини ҳам илгарти сурди.

ЎЛИМГА МАҲКУМ ҚИЛИНДИ

Хитой банки бўлими бошқарувчиси Сянь Чэжун 360 минг АҚШ доллари миқдорига пора олганлиги учун суд томонидан ўлим ҳақосига маҳкум қилинди.


ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ-АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АССОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

"ЎЗДУНРОБИТА" КОМПАНИЯСИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ!

БИЗНИНГ АЛОҚА ТИЗИМИМИЗГА УЛАНИШ БЕПУЛ!

Махсус Янги йил учун!
Фақат 1997 йил 31 декабргача!
Фақат "ЎЗДУНРОБИТА" да!



Куйидаги манзилда жойлашган савдо бўлимимиз офисига марҳамат қилинг:
Тошкент, Себзор, 19 п/б.
Иш тартиби: ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (якшанбадан ташқари).

Шунингдек, сиз "Интер-Континенталь" ва "Ле Меридиен" (кеча-кундуз ишлайди) ҳамда "Шодлик" (иш вақти: ҳар куни соат 8.00 дан 20.00 гача) меҳмонхоналари ҳузуринида ижара ва савдо офисларимизга ташриф буюришингиз мумкин.



Маълумот учун телефонлар:
300009 — савдо бўлими.
300909 — ахборот хизмати (кеча-кундуз).
611 — ўз абонентларимиз учун.

Ушбу эълон 1997 йил 31 декабргача ҳақиқий бўлиб, фақат Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларидаги абонентларга тааллуқлидир.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хуқуқ ва қонуничилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Халқаро 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳайт 132-11-15;
Копияват 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Руизатдан утиш тартиби № 0001
Буортма Г — 0823, 34,723 нуҳхала босилди,
ҳўжми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди
ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва
Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

С МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Набатчи — Б. Норбоев.
Муссаҳҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топириш вақти—21.00 Босишга топириш вақти— 21.00 1 2 3 4 5 6